2001 ЙИЛ 3 июл, СЕШАНБА

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 78 (6.291). Сотувда эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,4 баравар;

барча турдаги пенсиялар - ўрта ҳисобда 1,45 баравар оширилсин.

2. 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи - ойига 3430 сўм; ёшга доир пенсия - ойига 6780 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд - ойига 3430 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 6780 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 4110 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2001 йил 1 августдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошларини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бирга Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда мазкур Фармонда иш ҳақи 1,4 баравар оширилиши кўзда тутилганлигини ҳисобга олиб, врачлар, кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари иш ҳақининг янги миқдорларини, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткаси бўйича бир разряд оширилишини тасдиқласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар тегишли равишда республика давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2001 йилги Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатларига тегишли тузатишлар киритсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш базавий фондининг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан 2001 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2001 йилнинг 1 августига қадар амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган зарур ўзгартиришларни киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 23 июндаги ПФ-2644-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 29 июнь

# БИР УМР УНУТИЛМАС

***Қамаши туманининг, Чем жамоа хўжалиги даласига етиб келганимизда, кенг ғаллазор бағрини тилиб, "КЕЙС" комбайнлари шиддат билан ғалла ўраётган эди. Ҳамроҳим Абдувайт Қосимов:***



-Ҳув ана, сизнинг қаҳрамонингиз Эштемир Нодировнинг комбайни, - деди.

Кўп ўтмай Эштемир комбайни кабинасига ўтириб олдим. Ажаб, агрегатларнинг шовуллаб ишлаши қарийб эшитилмайди. Совуткичлар ишлаяпти. Фақат баландликда бош айланар экан.

**ҒУРУР**

-Уйингизга бориб турасизми? – дея сўрадим.

-Ҳув ана, вагонимиз, - деди Эштемир. – Егулик етарли. Пудратчилар қўй сўядилар. Ҳамма шароит бўлганидан кейин ишлаймизда. Шу мавсумда минг гектар ернинг ғалласини ўраман, деб турибман. Ҳозирча тўққиз юз гектарга бориб қолди. Ҳозир шеригимга топшираман-да, сиз билан уйга борамиз.

Қирқ ёшлар чамаси, қадду-қомати келишган, полвон йигит комбайндан тушибоқ менинг елкамдан ушлаб, деди:

-Ахир, сиз мени деб узоқ йўл босиб келасизу, кулбамдан бир пиёла чой ичмай кетасизми?

-Эштемиржон, - дедим, - сизни ишдан қолдирмай. Чой бўлса қочмас.

Суҳбатимиз вагон ёнида давом этди.

-Президентимиз билан учрашув пайтидаги таассуротларингиздан эшитсак, деган ниятда келувдик.

-Биласизми, - дея сўз бошлади у ҳаяжонланиб. – Ростини айтсам, Президентимиз билан кўришганимда оёқларим ўзимга бўйсунмай қўйди. Бу буюк инсоннинг самимий, халқчил, оддий одамлардек менга муносабати қайтадан яна ўзимга келтирди. Ўзимни аранг босиб олдим. Мен комбайним штурвалига ўтирдим. Президентимиз эса ёнимда.

-Секинроқ ҳайданг, - дедилар. – Сиз билан ярим соат гаплашардигу, афсус, вақтимиз зиқ, фарзандлар нечта?

Олтита, уч ўғил, уч қиз, иккита неварам ҳам бор – дедим мен. Юртбошимиз елкамга қўлини қўйиб кулиб қўйдилар-да: "Нима қилсак ғалла бозорда арзон бўлади?", - дея сўрадилар. Шунда мен: - "Президент бова, ғалла кўп бўлса, арзон бўлади-да", - дедим.

"Ҳа, - дедилар, - Бунинг учун ерга тўлиқ ҳақ бериш керак. Бунинг учун деҳқон – ер эгаси моддий манфаатдор бўлиши керак. Иш ҳақини, давлатга топширилганидан ошиқчасини бозорга олиб чиқади, қандай?".

Бу инсоннинг ҳар сўзи, менга бўлган муносабати бир умр эсимдан чиқмайди.

-Юртбошимиз чаққон, ёш йигитлардек комбайн кабинасидан тушдилар, - сўзлайди Эштемир нигоҳини уфққа қадаб. – Одамлар билан тезда тил топишиб, қалбига кириб, уларнинг ташвишларидан хабардор бўладиган, кишида ажойиб таассурот қолдирадиган раҳбарни умримда биринчи бор кўришим. Кўп раҳбарлар келади, кўрамиз, дабдаба, дағдаға, расмий, ўрганиб қолган тергашлар. Гўё улар бошқа одамлар. Оралиқда тафовут, жарлик бор. Ҳукуматимиз раҳбари билан эса ўзингнинг яқин одаминг билан гаплашгандек гаплашасан, киши. Оралиқ масофанинг ўзи йўқ. Қанийди, ҳамма раҳбарлар шундай бўлолса. Президентимиз жўнаб кетганларидан кейин уйга бордим. Тумонат одам йиғилибди. Хўжалик раҳбари Очил Худойқулов қаёқданам битта қўй олиб келиб сўйдирибди (Эштемир Нодиров Акработ жамоа хўжалигида яшайди). Ростакамига тўй. Одамлар мени қучоқлаб табриклашади, қўймай савол беришади. Шунда билдимки, Президентимизнинг одамлар қалбидан бу қадар жой олганини. Мен кўп гапга уста эмасман. Лекин, ўзимча фикримни шундай айтмоқчиман: Юртбошимизнинг оддийлиги энг катта хислати бўлса керак. Улуғворлиги ҳам, одамлар меҳрини қозониши ҳам шундан эмасмикан?

**Исоқ САТТОРОВ**

# ҲИСОБ-КИТОБ ПУХТА БЎЛСИН

***Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисоб-китоб, режалаштириш ва бошқа ҳисоботларни тўғри ва аниқ юритиш мақсадида ширкат хўжаликларида молия марказлари ташкил этилди. Хўш, бу марказлар бугунги кунда қандай фаолият кўрсатмоқда?***

**ЙИҒИЛИШ**

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, бу борада кўпгина хўжаликларда иш давр талаблари даражасида ташкил этилган бўлса-да, аммо айрим жойларда уларнинг фаолияти кўнгилдагидек эмас. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида санацияда бўлган 54 хўжаликдан 10, Сирдарё вилоятида 47 тадан 6, Жиззах вилоятида 11 тасидан 3 тасида бугунги кунга қадар ҳам марказлар тузилмаган.

Куни кеча Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бўлиб ўтган ҳайъат мажлисида ана шу масала атрофлича муҳокама этилди, ҳисоб-китоб ишларини янада яхшилаш юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Наслчилик тўғрисида"ги Қонунининг Андижон ва Сирдарё вилоятларида бажарилиши борасида олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг фаолияти, республика прокуратурасининг "Ер кодекси" талабларига риоя этилишида аниқланган қонун бузилишлар, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида"ги тақдимномаси ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири – Агросаноат мажмуи раҳбари – Т.Холтоев олиб борди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: ЗАМИНИДЕК БАҒРИ КЕНГ, МАРДУ МАЙДОН ИЧРА ТЕНГ

***ЭЪТИРОФ***




Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб сафарга чиқиш олдидан бу кўҳна ва бепоён ўлканинг бой тарихи, миллий маданияти, иқтисодиёти ва бошқа жабҳалари ҳақида маълумот берувчи манбалар билан яна бир карра танишиб чиқишни лозим топдик. Шу юртнинг кўз илғамас кенгликларида кўп марта бўлиб, меҳнаткаш ва мард кишилари ила гурунглашиб, уларнинг серқирра фаолиятлари билан яқиндан танишган бўлсак-да, тасаввурни янада бойитишга эҳтиёж сездик. Зеро, ўқиш-ўрганиш билишнинг, ўзликни англашнинг онаси деб бежиз айтилмаган. Қорақалпоғистонга доир китоблар, бошқа манбаларни кўздан кечирар эканмиз, унинг тарихи ҳозиргача бўлган маълумотларга кўра етти-саккиз минг йилга бориб тақалишини, қазилма бойликлари ғоят сероблигини, уларни ўзлаштириш мустақиллик йилларида кенг йўлга қўйилаётганлигини ҳис этамиз. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг сайловчилар билан учрашувда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессиясида ва бошқа йирик анжуманларда ана шу эл-юрт ҳақида айтган таъриф-тавсифларини, қимматли фикрларини ўқиб, таассуротимиз янада кенгайди. "Мустақиллик туфайли қорақалпоқ халқи жуда кўп қадриятларини қайта тиклаш имкониятига эга бўлди, - деб таъкидлайди Йўлбошчимиз. – Адолат ва тенглик, озодлик ва эрк учун курашган Ёрназар Олакўз, Оллаёр Дўстназаров сингари халқ қаҳрамонларининг, жасоратли, ўтюракли қорақалпоқ фарзандларининг орзу-армонлари амалга ошди. Миллий маданият ва маънавиятнинг қарор топишига, қорақалпоқ халқи классик шоирлари Бердақ, Ажиниёз боболар ижодий меросларининг тўла тикланишига, азиз хотираларнинг тикланишига йўл очиб берди". Давлатимиз раҳбарининг бу фикрлари қуйидаги эътирофига уйғунлашиб кетган: "**Қорақалпоғистон худди ана шу жиҳатдан қараганда, жуда катта имкониятларга эга бўлган ўлка. Энг муҳими, унинг меҳнатсевар, қийинчиликларни мардонавор енгадиган иродали халқи бор. Бундай халқ билан ҳар қандай муаммони ҳал этиш мумкин... Мен қорақалпоқ халқини яхши биламан ва унинг инсоний фазилатларини юксак қадрлайман. Ана шу фазилат Қорақалпоғистон ҳаётида кескин ўзгариш ясашига қатъий ишонаман**".

Бу самимий ва маънодор сўзлар Қорақалпоғистонга қилинган бутун сафар давомида бизга йўлдош бўлиб, кўнгилга ёруғлик бахш этиб турди.






***ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН***

"**Мустақилликнинг ўн йили давомида Қорақалпоғистонда рўй берган катта ўзгаришлар, амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан қайсиларини шу даврнинг йирик воқеалари қаторига қўшиб, тарихнинг ёрқин саҳифаси сифатида қайд этишни истайсиз**?" Бу ўлкага қилинган беш кунлик ижодий сафар чоғида шундай мазмундаги савол билан турли лавозимдаги раҳбарларга, мутахассисларга, зиёлиларга, пудратчи ғаллакор ва пахтакорларга, бошқа касб соҳибларига мурожаат этдик. Кимдир "Навоий-Учқудуқ-Нукус" оралиғида темир йўл қурилганлиги энг қувончли воқеа эканлигини таъкидлаб, шунинг шарофати билан минг-минглаб тонна юклар қисқа масофадан, қўшни мамлакатга тўланадиган катта миқдордаги божсиз ташилаётганлигини ички қониқиш билан тилга олди. Бошқа киши эса 240 километрлик Туямўйин-Нукус-Тахтакўпир қувури тортилиб, энг зарур муаммолардан бири – ичимлик сув масаласини ҳал этишда катта одим ташланганлигини уқтирди. Биринчиси – йўл, иккинчиси – сув. Улар Қизилқум, Қорақум, Усть-Юрт сингари улкан саҳрою даштлар исканжасида жойлашган, ҳудудининг катта қисми чўл-биёбонлардан иборат бўлган Қорақалпоғистон учун ҳаёт давомийлигининг асосий белгилари ҳисобланади. Биз мулоқотда бўлган учинчи киши эса Истиқлолдан кейин умумий баҳоси 654 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган Қўнғирот сода заводи сингари йирик комбинатлар вужудга келаётганлигини, хорижий давлатлар билан кўплаб қўшма корхоналар тузилаётганлигини фахрланиб таъкидлади. У тошни қайта ишловчи "Қорақалпоғистон-Ирландия" қўшма корхонасини, кунгабоқар ёғи тайёрлашга ихтисослашган "Платтас", газ ва газ конденсати, карбит, ун, кабел ҳамда Хўжайли шиша заводларини, тўқимачилик, тикувчилик йўналишидаги "Катекс", "Элтекс" мажмуаларини бирма-бир санаб ўтиб, йирик мармар комбинатини хорижий ускуналар билан қайта жиҳозлаш унинг қувватини оширганлигини, маҳсулот сифати янада яхшиланганлигини айтди.

**(Давоми 3-бетда)**

15.X.2001 №78 з.ом

# ФЕРМЕР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

***Мамлакатимизда фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февралидаги "Чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон-фермер хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермерлар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қарори катта аҳамият касб этди.***

**ҲУҚУҚ**

Мазкур қарор Китоб туманидаги Жавли Турдиев номли ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи Ғайбулло Раҳмоновни ҳам руҳлантириб юборди. У оила аъзолари билан кенгашиб, фермер хўжалигини очишга қарор қилди. Раҳмонов бошлиқ оила аъзоларидан 13 киши давлатдан қарз олмай 45 бош қорамолни боқишга киришди. Албатта, улар ташкил этган "Меҳнат" чорвачилик фермер хўжалиги учун озуқа етиштиришга ер керак эди. Уларга бу масалада ҳам мавжуд қонун-қоидаларга мувофиқ ёрдам берилди.

Китоб туман ҳокимлиги "Меҳнат" чорвачилик фермер хўжалигига 10 йил муддатга фойдаланиш учун 10 гектар ер ажратиб бериш ҳақида қарор қабул қилди. Кейин эса Ж.Турдиев номли ширкат хўжалиги учун умумий йиғилиш қарорига мувофиқ "меҳнат"чиларга шу ширкат ер майдонининг 502-сонли контуридан ўн йил муддатга 10 гектар ер ажратиб берилди. Бироқ, фермер хўжалиги аъзоларига бу ерда деҳқончилик қилиш насиб этмади. Натижада, не-не умидлар билан ташкил этилган оилавий хўжалик тараққиёт сари юз тутмади. Аксинча, озуқа етишмаслиги сабабли чорва бош сони йилдан-йилга камайиб, маҳсулдорлиги ҳам ойма-ой пасаяверди.

Тўғри, хўжалик раҳбарлари бу фермер хўжалиги аъзоларини бутунлай ерсиз қолдиришмади.

**(Давоми 2-бетда)**

**АРАФА**

**Чустда Нўъмонжон деган ошнамиз бор. Лақаби "ота". Аллоҳ бу одамнинг зуваласини қорганда ҳеч нарсадан: сахти-сумбатдан ҳам, дарёдек қалбдан ҳам, савия-ю билимдан ҳам, муомала-муносабатдан ҳам, қўйингки, ҳеч бир нарсадан қисмаган экан. Уни бир кўрган одам у билан яна учрашишга чоғланиб, юраги суст кетиб туради.**

# ПОП ВА ... РИМ БИР-БИРИГА ЎХШАЙДИ

**Ўша Нўъмонжон яқинда ишхонамизга "Ассалому алайку-у-ум" дея кириб келди.**

**-Келинг, ота, - дедик, ҳол-аҳвол сўрашдик.**

**Хуллас, шу десангиз, ошнамиз Қўқондан қайтаётган экан-у, Попнинг марказидан ўтиб бораётганда юрагида "бир-иккита" фикрлар туғилибди ва биз томон бурилибди.**

**(Давоми 2-бетда)**

## ИККИ ХИЛ МУНОСАБАТ:

# ҚАЙ БИРИ АФЗАЛ?

***Сиз яшаётган хўжалик ҳудудида чорвачилик фермаси бор-йўқлигини билмаймиз-у, бор жойларда уларга муносабат турлича эканидан хабарлар келиб турибди. Жумладан, айрим туманларда улар тарқатилиб юборилмоқда.***

-Бизда яқин-яқинларда ҳам бир сут-товар фермаси бўларди, - деб ҳикоя қилади Касби туманидаги Муғлон қишлоғидан ташриф буюрган танишимиз. - Ўзиям, юздан ошиқ одам меҳнат қиларди. Энг гуруллаган пайтлари мол боши мингдан ҳам ортганов. Қанча молхона, емхона, ётоқхона дегандек... Йил-ўн икки ой ҳаёт қайнарди. Кўргазмали семинар ҳам шу ерда, "комиссия" келса ҳам олиб келиб кўрсатиларди. Ҳатто машҳур санъаткорлар ташриф буюрса ҳам четлаб ўтмасди. Нима бўлди-ю, ўтган йилдан бошлаб шу ферма ёпилди, моллар одамларга тарқатиб берилди, кейин биноларни бузишга киришилди. Ўзиям, олти ойлар бузиб ташишди. Бирор ҳожатманд қорига яратгандирда. Кейин ўрнини текислаб пахта экдилар...

**ЧОРВАЧИЛИК**

Суҳбатдошимизга янгилик кечроқ етиб боради чоғи, ахир бизда хусусийлаштириш кетаяпти-ку. Айнан чорвачиликда ҳам. Бу ҳақда батафсил кейинроқ.

Бироқ ҳамма жойда ҳам аҳвол шу тарзда эмас. Кўпгина хўжаликлар эскича усулдан воз кеча олмаяптилар, яъни чорвачилик фермалари ўз ҳолича сақлаб турилибди.

Хўп, қайси бири тўғри, бозор иқтисодиёти талаблари, умуман, чорвачиликнинг равнақи нуқтаи назаридан қайси ёндашувни оқлаш лозим: йирик фермаларни сақлаб туриш керакми ёки уларни хусусийлаштириб ёхуд фермерларга бўлиб берган маъқулми?

Албатта, масаланинг қирралари кўп. Ҳар бирини чуқур таҳлил этиб, кейин бирор хулосага келиш лозим. Шубҳасиз, бозор иқтисодиёти талабларини унутиб бўлмайди, у биринчи ўринда турибди.

**(Давоми 2-бетда)**

**АНЪАНА**

**Боғистонлик етти келиннинг қайнонаси Оққиз опани машҳур Фармонбибига ўхшатсалар-да, унинг оиласида фармону фармонбардорлар йўқ. Чеварликда бу хонадон соҳибаларининг ўхшаши кам. Жиндайгина оҳорли мато топилса бас, кенжа келин бичади, тўнғичи чизади, яна бошқаси чоклагани тушади. Бир келин у ёқдан, бир келин бу ёқдан**

# "ФАРМОНБИБИ" ЧЕВАРЛАРИ

**зеб бераверади. Сал ўтмай ғаройиб чойшаб, ёстиқ, кўрпачалар тайёр бўлади.**

**Девордаги ўхшаши йўқ палакларнинг барини ягона нусхада - фақат шу уйда кўрасиз, холос. Палакларки, этдорлигидан лўмбиллайди. Гилам ўрнида ишлатса минг бор арзийди-ю, оёқ остига увол-да. Аслида қадамларингизга кўз тутган қўлбола кигизу кигизчалар олдида гиламларга йўл бўлсин.**

**(Давоми 4-бетда)**

# ОЙБЕК ИЗЛАРИ ҚОЛГАН ҚИШЛОҚ

***Уй ҳовлимиздаги боғ этагига қурилган мўъжазгина сўрида Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг "Болалик" қиссасини мутолаа қилиб ўтирардим. Ногоҳон тоғ томондан эсган шабада китоб саҳифаларини оҳиста варақлаб юборди.***

Мен кўзларимни бир зум китобдан узиб, хаёл оғушига чўмдим. Беихтиёр, Мансур бобом билан бўлган суҳбат ёдимга тушди. Адабиёт муаллимимиз ёзувчи Ойбекнинг ҳаёти ва ижодини ўқиб-ўрганиб келишни уйга топшириқ қилиб берганди. Уйга келиб, дарсликдан Ойбекнинг ҳаёти ва ижодига доир мавзуни товуш чиқариб ўқий бошладим. Ҳовлимиздаги супада чой ичиб ўтирган Мансур бобом "Ойбек" сўзини эшитиб:

-Қани, бери кел-чи, ўғлим, - дея мени чақирдилар. Мен бобомнинг не болигига ҳайрон бўлдим. Шунда улар "Китобингни ҳам ола кел", - дея такрорладилар.

**СОҒИНЧ**

Мен адабиёт китобимни олиб бобомнинг олдига бордим.

-Ўғлим, сен ҳозир Ойбек деб ўқидингми? – деб сўрадилар.

-Ҳа, бобо, мен Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўқиётган эдим.

-Шошма-чи, ўғлим, Ойбек деганинг дўстим Мусавой эмасми?

-Билмадим. Мен ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳақида гапиряпман.

-Бу ўша болам, Мусавойнинг ёзувчи эканлигини мен ҳам биламан. Мусавой билан биз тенгдошмиз. У Кавардонга тез-тез келиб турарди. Айниқса, у ёз ойларини шу ерда ўтказарди. Ҳатто у ўзининг "Олтин водийдан шабадалар" романини қишлоғимизда қайта ишлаган. Мусавой билан бирга раҳматли Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Ҳомил Ёқубов, Туроб Тўлалар, бошқа кўп ёзувчилар ҳам бир неча марта меҳмон бўлиб кетишган. Мусавойнинг асарларида маъно кўп. Сен ҳам қўлдан қўймай синчиклаб ўқигин, ўғлим, - дея Мансур бобом насиҳат қилдилар.

**(Давоми 4-бетда)**

**КЕЛГУСИ СОНДА:** ҚОНУН УСТУВОР - ЖАМИЯТ БАРҚАРОР | ЁШ КАДРЛАР ҚАДР ТОПСИН | ЛАБИҲОВУЗ ЖОЗИБАСИ

